ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
УЙЧИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
UYCHI TUMANI HOKIMINING

QARORI

10 декабр 2008 йил

Уйчи шаҳарчаси

842- сонли

Тумандаги айрим қишлоқ ахоли пунктларини мақомини ўзгартириш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, БМТ нинг нуфус масалалари бўйича стандартларига кўра шахар ва қишлоқ аҳоли пунктларини тўғри ҳисобга олиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сонли, Наманган вилояти хокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарорларини туманда бажарилишини таъминлаш хамда Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 1053-сонли, Жийдакапа қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 405/08-сонли, Ровот шахарча фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 236-сонли, Уйчи қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 31/273-сонли, Ёркатай қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 2-сонли илтимосномаларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сонли, Наманган вилояти хокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарори рахбарлик ва амалда бажариш учун, Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 1053-сонли, Жийдакапа қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 405/08-сонли, Ровот шахарча фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 236-сонли, Уйчи қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 деабрдаги 31-сонли, Ёркатай қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2008 йил 10 декабрдаги 2-сонли илтимосномалари инобатга олинсин.

2. Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинидаги, Ғайрат, Бояғон ахоли пунктларига, Жийдакапа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Жийдакапа, Ахси, Кичик тошлоқ ахоли пунктларига, Ровот шахарча фуқаролар йиғинидаги Хожиобод ахоли пунктига, Уйчи қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Соку ахоли пунктига, Ёркатай қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзиобод, Чуртук ахоли пунктларига шахар туркумидаги посёлка тоифасига киритилсин

3. Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинидаги, Ғайрат ахоли пунктига Ғайрат махалла фуқаролар йиғини худуди, Бояғон ахоли пунктига Бояғон махалла фуқаролар йиғини худуди, Жийдакапа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Жийдакапа ахоли пунктига Дўстлик хамда Дехқон фуқаролар йиғини, Ахси ахоли пунктига Ахси, Шафтоли махалла фуқаролар йиғини худуди, Кичик

тошлоқ ахоли пунктига Қумтепа махалла фуқаролар йиғини худуди, Ровот шахарча фуқаролар йиғинидаги Қизилровот ахоли пунктига Хожиобод махалла фуқаролар йиғини худуди, Уйчи қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Соку ахоли пунктига Соку ва Гулбоғ махалла фуқаролар йиғинлари худуди, Ёркатай қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзиобод ахоли пунктига Файзиобод махалла фуқаролар йиғини, Чуртук ахоли пунктига Чуртук махалла фуқаролар йиғинлари худуди ва ахолиси ажратилсин.

4. Қишлоқ ахоли пунктларини шахарчалар тоифасига киритишни асослаб берувчи кўрсаткичлар иловага асосан тасдиқлансин.

5. Мутасадди давлат органлари амалдаги тартибда қишлоқ ахоли пунктларини шахарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсинлар.

6. Мазкур қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари Уйчи туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин ва вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Каримов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **М.Валиев**